

**QUMQO'RG'ON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

190900, Qumqo'rg'on tumani O'zbekiston
shoh ko'chasi,



**KUMKURGAN INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

190900, Qumqurgon, O'zbekiston
shoh street

Tel: (+99876) 465-20-78,

Fax: (+99876) 465-20-76

e-mail: i.qumqurgon@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Қумқўрғон тумани

2023 йил 12 май

4-1904-2302/1422-сонли иш

Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Ғозиев раислигида, судья ёрдамчиси Р.Хамдамованинг котибалигида, даъвогар раҳбари [REDACTED], жавобгар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар [REDACTED]

[REDACTED] "фермер хўжалиги манфаатида жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берилган даъво аризасини очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

аниқлади:

даъвогар [REDACTED] манфаатида (кейинги ўринларда – даъвогар) жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – жавобгар) ҳисобидан 222.518.000 сўмасосий қарз, 62.305.040 сўм пеня ҳамда 44.503.600 сўм жарима ундиришни сўраган.

Кенгаш вакили суд мажлисига келмади.

Суд мажлисида, даъвогар раҳбари даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили судга маълумотнома тақдим этиб, қисман тўлов амалга оширилганлигини маълум қилиб, даъвони қисман тан олиб, даъвонинг жарима ундириш талабани рад этишни сўради.

Суд, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида "пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани етказиб бериш ҳамда харид қилиш бўйича" фьючерс шартномаси тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига кўра, хўжалик ўзининг 2022 йил учун "Агротехнологик харита" (бизнес-режаси)га асосан 30.8 гектар ер майдонидан 115.4 тонна пахта хом ашёсини буюртмачига етказиб бериш, буюртмачи эса ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва шартноманинг 4.1-бандига асосан ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Даъвогар томонидан жавобгарга 72.4 тонна пахта хом ашёси етказиб берилган. Жавобгар томонидан етказиб берилган пахта хом ашёси учун тўлов бугунги кунга қадар амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 465-моддасининг 1-бандига кўра, контракция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги

маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олиши белгиланган.

Кодекснинг 466-моддасига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Бироқ, жавобгар вакили судга маълумотнома тақдим этиб, даъво аризаси киритилгунга қадар қисман 70.000.000 сўм тўлов амалга оширилганлигини маълум қилди.

Шу боис суд, даъвогарнинг 222.518.000 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги даъво талабини қисман 152.518.000 сўмга қаноатлантиришни лозим деб топади.

Бундан ташқари даъвогар жавобгар ҳисобидан 62.305.040 сўм пеня ва 44.503.600 сўм жарима ундиришни сўраган.

ФКнинг 263-моддаси 1-қисмига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қароридан шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланади. Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги, агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақлилиги, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли, шу билан бирга неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги белгиланган.

Шу сабабли суд, даъвогарнинг пеня ундириш тўғрисидаги даъво талабини қисман 9.500.000 сўмга қаноатлантиришни, жарима ундириш талабини рад этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-

моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли қарорида даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмаслиги белгиланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 26, 118, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қарор қилади:

Даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар "██████████" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар "██████████" фермер хўжалиги фойдасига 152.518.000 сўм асосий қарз, 9.500.000 сўм пеня ва 30.000 сўм почта харажати;

республика бюджети даромадига 4.296.460,8 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвогарнинг давлат божидан озод этилганлиги инобатга олинсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ушбу суд орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест беришлари мумкин.

Судья

Ш.Ғозиев